

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2004 йил, 15 июль, пайшанба № 84 (1972).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН
МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 15 июля, 2004 г. № 84 (1972).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 14 июль куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё масалалари бўйича ёрдамчиси Элизабет Жонсони қабул қилди.

— Биз АҚШ билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдоримиз, — деди мамлакатимиз раҳбари учрашувда.

— Бу Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мосдир.

Ислон Каримов Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ҳамкорлик алоқаларини ри-

вожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

АҚШ Ўзбекистоннинг йирик савдо шерикларидандир. 2003 йили бу мамлакат билан ўзаро савдо ҳажми 335,2 миллион долларга тенг бўлди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 124 фоиз ошди. АҚШнинг йирик компаниялари ва молия муассасалари Ўзбекистондаги умумий қиймати 2 миллиард 383 миллион долларлик 24 лойиҳада иштирок этмоқда. Бу лойиҳалар тоғ-кон, нефть-газ, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати


ҳамда транспорт инфратузилмаларининг технология базасини ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистонда америкалик ишбилармонлар иштирокида тузилган 316 корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг юзга яқини тўла АҚШ сармояси билан ташкил этилган. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро сиёсий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларни янада ривожлантиришга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳамда Афғонистондаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. (ЎЗА).

Ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов — жаҳон чемпиони

Халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон тожи соҳиби!



Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновга

Қадри Рустамжон ўғлим! Сени авваламбор шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритгани билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сен эришган бу беқиёс ғалаба мамлакатимиздаги барча шахмат мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга чексиз қувонч ва ғурур-ифтихор бағишлайди.

Бу нечоғлиқ улкан ютуқ эканини, дунёнинг манамаи деган шахматчилари орасида биринчи бўлиб осон бўлмаганини барчамиз яхши англаймиз.

Ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу ғалаба тимсолида яна бир бор ёрқин намоён бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Миллатимиз, халқимиз кўпдан буён орзу қилган мана шундай шукҳли кунларга, мана шундай буюк зафарга етказгани учун барчамиз аввало Яратганимизга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Сендек билимли, мард ва иродали ўғлонни воёга ет-

казган ота-онанг, оила аъзоларининг, ноёб истеъдодининг рўёбга чиқаришга ҳисса қўшган устоз-мураббийларининг раҳматлар айтмамиз.

Юртимиз ҳаётидаги бу тарихий воқеа мустақиллик одамларимиз учун, аввало ёш авлод учун нақадар катта имкониятлар очиб берганини, бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир амалий тасдиғидир.

Сенга бахт ва омад ҳамisha ёр бўлсин, доимо омон бўл!

Ислон КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р. ҚОСИМЖОНОВНИ АМИР ТЕМУР ОРДЕНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шахмат бўйича 2004 йил жаҳон биринчилигида ғолибликни қўлга киритиб халқимизга хос юксак интеллектуал салоҳият, мардлик ва жасорат намунасини амалда намоён этгани, Ва-

таннимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шукҳратини бутун дунёга тараннум этишга қўшган улкан ҳиссаси учун Рустам Қосимжонови Амир Темур

ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
2004 йил 14 июль.

● МУНОСАБАТ

Юксак ғалабага муносиб мукофот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан куни кеча шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган шарафли унвонни қўлга киритган Рустам Қосимжонови Ватанимизнинг юксак мукофоти — Амир Темур ордени билан тақдирлангани жамоатчилигимиз, халқимиз кўнглидаги иш бўлди. Ёш ўзбек гроссмейстерининг буюк саркарда ва давлат арбоби, Соҳибқирон Робомиз номи билан аталадиган олий мукофотга сазовор бўлганида ўзига хос

рамзий маъно бор.

Авваламбор, дунё шахмат оламида катта обрў-эътибор қозонган юртдошимиз эришган бу улкан ғалаба Амир Темур каби мумтоз сиймонинг «Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодими?» деган даъваткор сўзларини беихтиёр ёдга солиди. Чунки Рустам Қосимжоновдек юксак ақл-заковат, мустаҳкам ирода ва шижоат соҳиблари бой тарих ва бетакрор маданиятга, теран маънавий илдишларга эга бўлган, ўз аجدодларининг беқий-

ёс меросини асраб-авайлаб, уни янада бойитиш, ривожлантиришга интилиб яшайдиган халқ орасидан етишиб чиқиши яхши маълум.

Бошқача айтганда, не-не буюк зотлар учун муқаддас бешик бўлган қадимий заминимиздан Соҳибқирон Амир Темурдек буюк шахснинг етишиб чиққани бежиз бўлмаганидек, Рустам Қосимжоновнинг айнан ўзбек дёрида туғилиб, камол топгани, жаҳон шахмат тожини

(Давоми 2-бетда).

● ҲАРБИЙ ПРОФЕССИОНАЛЛАР

Алоқа сирларини ўрганмоқда

Офицер Мавлон Юнусов командирлигидаги алоқачилар ҳарбий қисмида сержантлар тайёрлаш мактаблари битирувчилари ҳисобидан сафларни тўлдиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шартнома бўйича хизмат, кичик сержант Юсуфжон Соатовни ҳам юқори малакали ҳарбий профессионаллар сирасига қирадиган посбон, деб бемалол айта оламиз.

— Умуман олганда, ҳарбий алоқачилик касби бўйича мутахассисларни ҳамма сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқитишади, — дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Исроил Мирзаев. — Шунинг учун бизда Тошкент, Марказий, Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округларида тайёрланган мутахассислар хизмат

қилишади. Бунисида яхшироқ, унисда унчалик яхши ўқитилган эмас, деб ақрата оламиз. Ёш муҳим, қайси мактабдан келган бўлмасин, йигитларда ўз касбий малакасини оширишга интилиш бор. Жумладан, кичик сержант Соатов ҳам ана шундай интилувчан посбонлар қаторига қиради.

(Давоми 2-бетда).

Юксак ғалабага муносиб мукофот

(Давоми. Боши 1-бетда).

қўлга киритгани ҳам тасодиф эмас. Бу ғалабани аввало она юртимизда қадимдан мавжуд бўлган маданий муҳит, юксак тафаккур мактабининг мантиқий ҳосиласи, деб қабул қилсак, ўринли бўлади.

Шу борада Амир Темур бобомизнинг ўзи ҳам шахмат илмини пухта эгаллагани, оғир вазиятларда, кўпгина мураккаб муаммоларни ҳал этишда ноёб мўъжиза бўлиши шахмат санъати унга руҳий мадад ва кўмак берганини айтиб ўтиш жоиз.

Буюк Соҳибқирон бобомизнинг Ватанимиз ва халқимиз озодлиги йўлида олиб борган курашларида, қудратли давлат барпо этиш, эзгулик ва бунёдкорлик борасидаги улкан ишларида илму фан, санъат, жумладан, шахмат ҳам унинг ақл-идрокини чархлайдиган ўзига хос бир весита бўлганини кўпгина

тарихий мисолларда кўриш мумкин.

Улуг бобомизга мансуб ана шундай теран тафаккур, мардлик ва жасорат фазилатларини намоён этган Рустам Қосимжонов гўзал ва бетакрор юртимиз — Ўзбекистонимиз номини бутун дунёга тараннум этди, жаҳон жамоатчилиги томонидан шахмат қироли, деб тан олинди.

Ливия пойтахти олис Триполи шаҳрида дунёнинг 56 мамлакатидан келган 128 нафар манаман деган шахмат усталари иштирокида ўтган кескин ва машаққатли беллашувлар пайтида Рустамни Амир Темур каби буюк аждодларимизнинг ўлмас руҳлари ҳам қўллаб-қувватлаган бўлса, ажаб эмас.

Барчамиз неча йиллардан буён орзиқиб кутган бу тарихий ғалаба халқимиз аввало униб-ўсиб нелаётган ёшларимизни мана шундай

улугвор ишлар, юксак марралар сари руҳлантиради, уларнинг ўз кучи ва салоҳиятига, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди, гуруҳ-иштихор манбаи бўлиб хизмат қилади.

Бу юксак мукофот тобора кучга тўлиб, билим ва тажрибаси ортиб бораётган Рустам Қосимжоновни янги-янги ғалабаларга чорлаши, илҳомлантириши шубҳасиз. Биз шахмат бўйича 2004 йил жаҳон чемпиони, халқаро гротмейстер Рустам Қосимжоновга Амир Темур бобомизга хос фазилатлар ҳаминча ёр бўлишини тилаймиз.

Шу кунларда Давлат спорт қўмитаси, матбуот, радио ва телевидение таҳририятларига, чемпионимиз номига келаётган минглаб табрик ва қутловларда ана шундай эзгу тилаклар муржаб.

(Ў.А.)

Алоқа сирларини

ўрганмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юсуфжон Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Хайрбод шаҳарчасида таваллуд топган, муддатли ҳарбий хизматини айнан алоқачилар қисмида ҳайдовчи-электрчи лавозимида ўтаган. Аскарлик муддати тугашидан аввал илгор посбонга командирлари армия сафларида шартнома асосида қилишни таклиф қилинди. Ингит ота-онаси розилигини олишга бораганда, отаси Хўназар ака ҳам, онаси Маҳмамой опа ҳам ҳеч иккиланмасдан оқ фотиҳа беришди.

Профессионал аскар сифатида хизматини Юсуфжон алоқа хавфсизлигини на-

зорат қилиш тармоғида бошлади. Уша вақтда унга майор Саид Мирзаевнинг берган маслаҳатлари насбий маҳоратини оширишда жуда асқотди.

Ингитдаги ўқишга бўлган чанқоқлигини, жиддий иштиёқни кўриб турган командирлари Юсуфжонни Марказий ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабига жўнатишди. Ўтган йилнинг баҳорида Юсуф ўқишни тугатиб, жонажон қисмига қайтди. Ҳозир у ёрдамчи бошқарув пунктида гуруҳ командири ўринбосари лавозимида хизмат қилмоқда. Радиоалоқа гуруҳи командири лейтенант Эркин Қурбонов ҳам, батальон командири майор Равшан Хўжаев ҳам аскар хизмати-

дан қониқиш ҳосил қилмоқда.

Аммо, Юсуфнинг ўзи ҳозирги билимлари даражасидан қониқмаган кўринади.

— Қўмондонлик-штаб машиналарида ишлаш оламан, лекин чет элнинг энг замонавий радиостанцияларида ишлашни ўрганиш орзусидаман, — дейди Юсуф. — Билишимча, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги махсус факультетда қисмлардаги ҳарбий алоқачилар малакасини ошириш имкони бор экан. Иложи бўлса, ўқимокчиман, ахир ҳали ёшман, оила ҳам қурганим йўқ.

Ҳарбий алоқачилик касби сирларини тинмай ўрганиб келаётган кичик сержант Ю. Соатовга профессионал посбон сифатида шаклланиш йўлида янги зафарлар тилаб қоламиз.

Майор Аблай КАМОЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Улар ҳамиша биринчи

Қизгин давом этаётган ўқув мавсумининг фаоллари ҳам тез-тез кўзга ташланмоқда. Марказий ҳарбий округнинг подполковник Шавкат Юлдашев командирлик қилаётган алоқачилар қисми ана шундай фаоллари туфайли округда энг яхши қисмлардан бири ҳисобланади.

Ҳарбий жамоадаги аҳиллик, бир-бирини тушуниш ва қўллаб-қувватлаш ўтган мавсумнинг муваффақиятини таъминлаган эди. Муваффақият бу жамоа посбонларини янада руҳлантирди.

Оддий аскар Баҳром Аширалиев телефончи вазифасида хизмат қилади. Вазифасини аъло даражада уйдalayдиган посбон Ингитдан командирлари мамнун. Бу ҳақда катта лейтенант Учқун Ботиров шундай дейди:

— Берилган топшириқларни бекаму-кўст бажаради. Мураккаб вазиятларда ҳам ўзини йўқотиб қўймайди. Ана шундай посбонлар билан ишлаш хизматини бир оз енгиллаштиради. Масъулиятни англаш, берилган вазифа моҳиятини тўла тушуниш билимдон, зукко посбонга хосдир. Оддий аскар Баҳром Аширалиевни ҳеч иккиланмай шундай посбонлар сирасига қўйиш мумкин.

— Алоқа машғулотларнинг юқори даражада ўтишини таъминловчи катта куч ҳисобланади, — дейди оддий аскар Баҳром Аширалиев. — Буни илк кунлардан кичик командир шартнома бўйича хизмат кичик сержант Маҳмуд Эшчановнинг жанговар маслаҳатлари сабабли барчамиз яхши биламиз. Вазифа-

миз гўят масъулиятли. Уни шараф билан уйдalayшга ҳаракат қилишимиз. Сафдош дўстим Дилшод Эргашев билан мусобақадорман. Мавсумда эришган ютуқларимиз Ватанимиз мустақиллигининг ўн уч йиллигига муносиб туҳфамиз бўлади.

Баҳром Миробод саноат коллежини тамомлаган. Ҳарбий ҳаётдан мутлақо ҳабарсиз эди, деб айтолмаймиз. Битирган факультети, тўлиқ бўлмаса-да, бирмунча ҳарбийлаштирилган. Ойлада ёлғиз ўтиб, онаси Муқаддас опа ёлғиз ўзи икки фарзандни тарбиялаган.

— Ҳарбий хизматнинг машаққатлари бор деб айтишга Ингитлик гуруҳим йўл қўймайди. Ёлғиз онам икки фарзанд тарбияладим, қийналдим, деб айтмаганлар. Мен Ингитлик, фарзандлик бурчимни юздан бирини ҳам ҳали ўтаган эмасман. Ватан тимсолида заҳматнаш онам ва меҳрибон синглимни кўраман. Улар учун машаққатдан қўчимайман.

Яна бир фаол оддий аскар Асилхон Худойберганов бўлиб, шу қисмда станция механизми вазифасида хизмат қилади. Посбон Ингит вазифасини сидқидилдан бажариш билан бирга бошқаларга ҳам ҳамиша ёрдамга шайлиги билан ажралиб туради.

— Ҳарбий жамоамиз ниҳоятда аҳил, — дейди у. — Мавсумда юқори натижалар кўрсатиб, устоз-офицерларни мамнун қиламиз. Биз бу гал ҳам муваффақиятини қўлдан бермаймиз. Аҳиллик бор жойда ютуқлар тайиндир.

Инобат ИБРОҲИМОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

БИЛИМ ЮРТИ КУНИ

12 июль куни Тошкент олий умумқўшун қўмондонлик билим юрти ташкил топганлигининг 86 йиллигини тантанали равишда нишонлади.

Билим юртини тамомлаб чиққан офицерларнинг Қуролли Кучларимизда муносиб ўринлари бор. Республикадаги нуфузли даргоҳ ўз битирувчилари бўлган генерал-полковник Тўлқин Қосимов, генерал-лейтенантлар Владимир Маҳмудов, С. Охунжонов, Ф. Норхўжаев, генерал-майорлар Алишер Исломов, Алишер Собилов, Баҳодир Тошматов, полковник Виктор Маҳмудов ва бошқа кўнлаб офицерлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Тошкент олий умумқўшун қўмондонлик билим юрти бошлиғи генерал-майор Қобилжон Бердиев табрик сўзида қўйидагиларга алоҳида тўхталди: «Ўзбекистон халқи бизнинг билим юртимизни билади ва эъзозлайди, унда тарбия олган қаҳрамонларни хотирасида сақлайди. Республикаимиз мустақилликка эришганидан сўнг билим юрти қисқа муддат ичида кўп тармоқли олий ҳарбий мактабга айлантирилди. Мустақил юрт ҳимоячиларини тайёрлаш иши ишончли қўллардадир. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун юқори малакали ҳарбий мутахассисларни тайёрлашда тажрибали офицерлар Р. Синча, Р. Багиров, Қуролли Кучлар хизматчилари Ш. Икромов, Б. Тошпўлатов, С. Леонтьева, В. Стебницкийлар хизмати таҳсинга сазовордир.

Маҳоратли офицерлар —

полковник М. Шарифов, майор Ш. Нормуродов, катта лейтенант Р. Абдиев, лейтенант А. Жабборовлар нурсантларга намуна бўлиб хизмат қилмоқдалар.

Курсантлар Шавкат Тўйчиев, Рустам Ашуров, Нодир Нурматовлар келажақда Қуролли Кучларимизнинг энг яхши офицерлари бўлиб етишадилар, деб ишонамиз».


Билим юрти битирувчилари ҳар доим ўзларининг Ватанга ва халққа садоқати, ҳарбий бурча содиқлиги, жанговар ўқиш ва кундалик ҳаётдаги шахсий намунаси, саф ва жисмоний тайёргарлиги билан ажралиб туради. Улар бундан кейин ҳам мустақил Ўзбекистоннинг муҳофаа қудратини оширишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаверади.

Тантанали тадбирда подполковник Алишер Худойбердиевнинг билим юрти ҳақидаги маърузаси, фахрий меҳмон истеъфодаги генерал-майор Александр Лисухин, подполковник А. Сатиб-Алдиев, Қуролли Кучлар хизматчиси Б. Тошпўлатов, 3-курс курсанти О. Муҳитдиновларнинг табрик сўзлари эшитилди.

Билим юрти штабининг бошлиғи полковник Т. Қорабоев тантанали кун муносабати билан тақдирланганлар номларини ўқиб эшиттирди.

Тантанали тадбир қизиқarli ва таассуротларга бой бўлди.

Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Гулчехра МИРЗАЕВА, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси ўқитувчиси.



ПОМОГАЕТ ПОДГОТОВКА

Рядовой Низом Ниёзов нынешней весной был призван в ряды Вооружённых Сил Кувинским РОДО Ферганского вилоята и направлен для прохождения службы в подразделение обеспечения учебного процесса Школы подготовки сержантов (ШПС) Ташкентского военного округа.

С первых же дней службы здесь воину довелось убедиться на своем примере — в ШПС со всей серьезностью относятся не только к подготовке будущих военных профессионалов,

но и солдат срочной службы обучают очень квалифицированно. На сборах молодого пополнения под командованием подполковника Обида Усарова и майора Бахтияра Чориева до ребят четко и ясно довели азы солдатской грамоты.

Вместе с тем он благодарен руководству областного военно-спортивного лицея интерната, в котором учился до армии. Там был заложен надежный фундамент для освоения секретов профессии защитника Родины. Вот и рекомендация из ли-

цея за подписью директора Х. Имамова и командира взвода У. Пазилева очень помогла его нынешним командирам в определении места в боевом строю.

— В ходе летней боевой учебы добиваться успехов в ратном труде мне помогает заблаговременная подготовка к службе в армии, — говорит рядовой Низом Ниёзов. — Поэтому настоятельно рекомендую ученикам старших классов обо всем позаботиться заранее. Тогда и трудностей в ходе адаптации к армейской жизни не возникнет.

Майор А. НУРОВ.

— Вазирлар Маҳкамасининг «2004/2005 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига кўра бакалаврлар тайёрлаш бўйича 51175 ўрин ажратилган. Уларнинг 19975 таси давлат грантлари ва 31200 таси тўлов-контрактини ташкил этади. Магистрлар тайёрлаш бўйича эса 5400 ўрин ажратилган.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга изчил таътиб эта бориб, унинг муҳим бўғинларидан ҳисобланмиш мактаб таълимини ривожлантириш, илм масканларининг моддий-техник базасини тубдан яхшилаш, ўқитувчи-педагоглар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу босқич қарорда олий таълим муассасаларида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камиди уч йиллик амалий иш стажига эга педагог кадрлардан, жумладан, болалар спорт мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш учун беш минг ўрин ажратилган. Бундан 1200 тасини давлат

«АБИТУРИЕНТ—2004»

ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР ЯҚИН

Мамлакатимизда олий ўқув юртига қабул мавсуми бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида 2004—2005 ўқув йили учун тест-символларини юқори савияда ўтказишга ҳозирлик қилинмоқда.

Бу йилги қабул жараёнидаги ўзгаришлар, янгиликлар нималардан иборат? Бу ҳақда марказ директори Баҳромжон ИСМОЙЛОВ ўЗА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

гранти ва 3800 тасини тўлов-контракт ташкил этади.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар талабидан келиб чиққан ҳолда бир қатор янги йўналишлар ҳам ташкил этилди. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаштириш мақсадида Тошкент Ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти негизда Тошкент ирригация ва мелиорация институти ташкил этилди. Унда сув ҳўжалигида техникадан фойдаланиш, сув ресурслари ва уларни бошқариш, гидротехника қурилиши каби қатор бакалаврият йўналишлари очилди.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаштириш, шунингдек, менежмент, маркетинг, ту-

ризм ва сервис хизмати кўрсатиш соҳасида кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида Самарқанд нооператив институти Самарқанд-иқтисодиёт ва сервис институтига айлантирилди. Ушбу олий ўқув юртида туризм менежменти, туризм маркетинги, туризм операторлик хизмати каби янги таълим йўналишлари ташкил этилди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида сугурта иши, Тошкент архитектура-қурилиш институтида гидротехника қурилиши, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида таржима назарияси ва амалиоти каби янги йўналишларнинг очилиши ҳам шулар жумласига киради.

Педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида тахсил олган олий таълим

муассасалари, битирувчилари камиди уч йил ишлаб бегиниш шарт билан умумтаълим мактабларига ишга тақсимланиши 2004 йилдан бошлаб амалиётга жорий этилади.

Янгиликлардан яна бири — 2004/2005 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларининг сиртқи бўлимларига талабалар қабули тўхтатилади.

Давлат тест маркази республика таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда тест синови орқали танлаб олиш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ўқув жараёни самарадорлигини ҳолисона баҳолашни назорат қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Таълим дастурларига мувофиқ бўлган тест материалларини ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида олий ўқув юртига кираётган абитуриентларни синновдан ўтказиш учун барча шароит яратилган. Марказда тест синовлари юқори савияда ва адолатли ўттириш учун фанлар бўйича саволларнинг банк жамғармалари тайёрлаб қўйилган.

Марказнинг олий ўқув юртига билан компьютер

орқали боғланиши учун зарур техник воситалар ўрнатилган. Шу тизим кумагида бу ерга олий таълим муассасаларидаги маълумотлар келиб тушади. Тест синовларини ўтказиш учун барча ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар мавжуд.

Бу йил олий ўқув юртига ўқишга кириш истагини абитуриентлар сони анча орттириш кутилмоқда. Шу босқич ўқитувчилар ҳамда жамоатчилик вакилларида иборат аудитория раҳбарлари ва кузатувчилар рўйхати тузилди, улар учун ўқув машғулотлари олиб борилади. Тест синовларида ўтказиш учун ажратилган бинолар ва аудиторияларнинг тахтили қайтадан кўриб чиқилмоқда. Барча олий ўқув юртига тест синовларини ўтказишга оид меърий ҳужжатлар тарқатилган.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз ташаббуси билан таълим жараёнига жорий этилган тест синовлари олий ўқув юртига билимли ёшларни танлаб олишда ҳолисона, инсончи ва адолатли усул эканига эътибордан ҳеч кимда шубҳа йўқ, десак хато бўлмайди.

Сухбатни
Назозат УСМОНОВА
ёзиб олди.

ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛЯ ВСЕХ И КАЖДОГО

М А Н А М И Н И!



Германиянинг BMW концерни дизель ёрдамида ҳаракатланувчи Мини автомобилларини ишлаб чиқди. Машинага Япониянинг Тойота корпорациясида ишлаб чиқарилган двигател ўрнатилди. BMW моторга лицензия сотиб олиб, баъзи бир жойларига ўзгартариш киритди. 4 цилиндрли двигателнинг қуввати 75 от кучига эга. Двигател ситими эса 1364

куб. см. Машина тезлиги 13,8 сония ичида 100 км/с. гача етиши мумкин. Унинг максимал тезлиги эса 165 км/с.ни ташкил этади. Бу жуда тежамкор автомобиль: 100 км. масофага атиги 4,3 литр ёқилғи сарфлайди. Двигателнинг ўзи эса алюмин қорғимасдан ясалган ва олти босқичли механик алоқа қўтасига эга. Автомобилнинг базали версияси тормозларининг антиблочкириш тизимига ўрнатилган. Яъни 4 та хавфсизлик ёстиқчаси, электрон пакет, рул тезлатгичи.

Машина 2002 йил 14 июнда сотувга чиқарилган бўлиб, унинг бошланғич нархи 16150 еврога ташкил этган. Мини модели 3,5 йил олдин ишлаб чиқарилган ва катта муваффақият қозонганди. 2004 йилда BMW 144 мингта Минини сотди. Минининг асосий бозорлари Германия, Италия, Франция ва Испаниядир.



Что-то у погоды разладилось в эти дни. Все у нее не по классике. Ведь сказано же: «Люблю грозу в начале мая...»! А тут уже половина июля по календарю, да и самый пик чиллы (ведь началась она еще 25 июня). Откуда вдруг и что за напасть

ЖАРА. ДОЖДЬ. ГРОЗА

таякая: задул прохладный ветер, затянуло небо тучами, гром и молнии разразились, дождь льет лишь с короткими передышками?

Не удивляйтесь, читатель. Вспомните, такое уже было у нас не однажды. Вот только самые свежие воспоминания: июль 1996-го, лето 1998-го, да и 1999-й посередине года «отличился» дождливыми днями.

Нынешняя «чиллийская» прохлада, как прокомментируют этот феномен в столичной службе гидрометеобеспечения (кетати, здесь за последние сутки раздалось немалое число телефонных звонков: интерес к погоде, похоже, сейчас сравним с интересом к трансляции футбольных перипетий мирового уровня), следствие относительно прохладной массы, принесенной к нам с Черного моря. Ловите каждую дождинку (если еще выпадет), ведь это когда-то, вполне возможно, было гидрочастью большого водного

пространства, о котором многие из нас только мечтают. По пути следования «прохладная воздушная масса» напалась югом Каспийского моря, проследовала над Туркменией. Теперь вот и наш черед настал. Как предполагают погодные специалисты, относительно прохладные дни сохранятся у нас, возможно, еще до 17—18 июля включительно. И еще, что немаловажно. Прохлада будет уходить постепенно, так что парникового эффекта, возможно, не случится. А это уже легче. «Прохладная воздушная масса» движется из северо-востока и должна пересечь одно временно еще три границы. Уже сейчас о ней заговорили синоптики наших соседних стран — Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана. Конечно, все так и будет, если на паспортном пограничном контроле у внезапной «гостьи» не случится каких-либо визовых проблем.

Ксения БЕРЕЗУЦКАЯ.

ЯНА БИР ИХТИРО

Австралияда келажак автомобили синодан ўтказилди. Автомобиль Австралия бўйлаб 4 минг чақирим масофани 10 кун мобайнида босиб ўтди. «Аполлодин» деб номланган ушбу автомобиль кундузи кўёш батареяси ва кечаси водород ёрдамида ҳаракатланади. У

Япониядаги Тамагава университети талабаларининг кашфиёти ҳисобланиб, қадимги юнон афсоналаридаги Кўёш ва Сув маъбудасининг номлари билан аталмоқда.

З. ИСАКОВА
тайёрлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 13 июлда бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хо-

рижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

1 АҚШ доллари 1022,92
1 евро 1267,81

*/ Валюта қийматини белгилан чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмган.

● ФАН ОЛАМИДА

ЛАЗЕРГА ҚАРШИ КУЗОЙНАК


Марказий Флорида ва Жоржия технология институтининг муҳандис ва кимёгарлари аскарлар ва учувчиларни душман лазерли нуридан сақлаш мумкин бўлган кўзойнак яратиш устида бош қотирмоқдалар.

Маълумки, бундай нур инсонни 0,000000001 (нол бутун миллиондан бир) сония ичида кўр қилиб қўйиши мумкин. Шу босқич кўзойнак ҳам тезликини илгаш борасида ундан кам бўлмаслиги талаб этилади.

Америкалик олимларда бундай тезликда линзаларга

қорайиш имконини берувчи технология мавжуд. У кўнликдан кўёш нури таъсирида рангини ўзгартирадиган бўқаламун-кўзойнакни эслатди. «Лазерга қарши» кўзойнакдаги материаллар ҳар қандай лазер нурларини аниқлай олиши ва ундаги атом ҳамда молекулалар эса тезда қорайиб, кўзни ҳимоя қилиши лозим. Мослама бундай электрон акс таъсири юзага келтириш учун қувватни бевосита лазер нурининг ўзидан олиши керак.

Айни вақтда мутахассислар маълум вазифани бажа-



рувчи қаттиқ материални ихтиро қилиш устида тадқиқотлар олиб боришмоқда.

АЖОЙИБ РЕКОРДЛАР

2001 йил 6 апрелда Гайд-Парк (Лондон, Буюк Британия)да Жон Эванс бошида сут солинган 96 та кутини ушлаб турди. Жон аввал ҳам рекорд ўрнатган. Масалан, 1999 йил 24 майда Лондонда вази 159,6 кг. бўлган минни машинани бошида 33 сония давомида кўтариб турган.

1998 йил 17 декабрда Гиннесснинг дунё рекордлари Праймтайм (Лос-Анжелес, АҚШ) студиясида Ли Чжан Хуа қулоғи ёрдамида вази 50 килограмм бўлган гиштар уюмини кўтариш


нинг уддасидан чиқди. Гиштар металл қайиққа жойланган бўлиб, занжирлар ёрдамида Лилинг қулоғига бириктирилганди.

А. САЛИХОВА
тайёрлаган.

Ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов — жаҳон чемпиони!

(Давоми. Боши 1-бетда).
паблика, Алехин, Ботвинник, Таль, Петросян, Спасский, Фишер, Карпов, Каспаров, Ананд каби дунёга машҳур шахматчилар бор. Энди улар сафига ўзбек фарзанди Рустам Қосимжонов ҳам қўшилди. Бу истиқлолимизнинг шаърофатидандир! Зеро, мустақилликка эришганимиздан кейин (Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортнинг барча турларини, жумладан, шахматни ривожлантириш, спортчиларимизнинг ўз иқтидор ва маҳоратларини тўла намоён қилишлари учун барча шароитлар яратилди. Бунинг самарасини бутун яна бир марта кўриб турибмиз.

Мустақил бўлмаганимизда ўзбек фарзанди бундай улугъ мартабага эриша олармиди. Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон



тон Байроғи кўтарилиб, давлатимиз Мадҳияси янгради!

Бугун ўзбек халқи, бутун Ўзбекистон шодиёна оғушида. Бинобарин, мамлакатимизда байрам — Ўзбек Фарзанди илк марта жаҳон шахмат тожини бошига кийди!

Бу тож муборак бўлсин сенга, Рустам! Бутун халқимиз ушбу тож узоқ йиллар сенинг бошингдан тушмаслигини чин дилдан тилайди!
Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ТАХРИРИЯТДАН.

Мазкур мақола қаҳрамони жаҳон биринчилигида ғолиб чиқиб, юртимизни сенитирган шохматчимиз Рустам Қосимжонов Ватан ҳимоячиларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келатган инсон сифатида муҳлислиримизга танилган. Бундан икки йил олдин «Ватанпарвар»нинг 2002 йил 23 июлидаги сонда «Ширин бўлди дийдорлашу» номли мақола чоп этилган. Ушанда мақола муаллифи подполковник А. Обруев газетамиз 10 йиллиги муносабати билан Чирчиқдаги Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабида бўлиб ўтган учрашув ҳақида ёзган. Тахририят «инюдий десанти» таркибиди Рустам Қосимжонов ҳам бўлиб, бир йўла 19 киши билан сеанс ўтказди. Ушбу сеансдан сўнг бўлажак жаҳон чемпиони подполковник Эркин Орти-

қов, курсантлар Ғайрат Шодмонов ва Собиржон Баратовларнинг донна суришлари унга маъқул келганини айтганди.

Мақола муаллифини сеанс шунчалик илҳомлантириб юборди, ҳатто унга бағишлаб шеър ҳам ёзилганди:

«Шахматда ҳам тортинмай
Айтсак бўлар:

Биз ҳам бор.
Бу соҳада ҳам энди
Ўзимизнинг Рустам бор.

Нима бўпти Каспаров,
Мот қилади эртага.
Чемпион бўп бизларни
Шод қилади эртага».

Мана, ўша орзиқиб кутилган «эрта» ҳам келди — икки йил ўтар-ўтмасдан. Тахририятимиз ижодкорлари ва кўп сонли ҳарбий газет-хонлар номидан Рустам Қосимжоновни ёрқин галабаси билан чин дилдан қутламоқчимиз ва ҳарбий жамоаларга янги тахрирларини кутиб қоламиз.

● ТЕЛЕАНОНС

«БАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

25 июль, соат 10.00 да Ўзбекистон телевидениесининг биринчи каналида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий студияси тайёрлаган «Ватанимга хизмат қиламан» кўрсатувининг навбатдаги сони намоён қилинади.

Ватан ҳимоячиларининг ёзи дала-ўқув машғулоти ҳақидаги лавҳалар Марказий ҳарбий округидан тайёрланади.

Шунингдек, кўрсатувда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳаётидаги бошқа муҳим воқеаларга бағишланган хабарлар, доимий руҳлар остидаги лавҳалар ўрин олган.

Кўрсатувнинг такрорий намоёниши сешанба, 27 июль, соат 16.55 да эфирга чиқади.


Ўз мухбиримиз.

ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД ОПУБЛИКОВАННЫ В № 81

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 7. Батиста. 8. Лампада. 10. «Ўтқа». 11. Рост. 12. Абзац. 13. Кивок. 15. Парик. 16. Система. 17. Аккра. 21. Бедро. 22. Отрог. 23. Гамак. 25. Спор. 27. Ерик. 28. Кия. 29. Ракетка.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Матия. 2. Гиза. 3. Этика. 4. Палец. 5. Упор. 6. Одесия. 9. Казарма. 14. Кусто. 15. Пекло. 18. Кемпинг. 19. Алмаз. 20. Копилка. 23. Грань. 24. Калан. 26. Рагу. 27. Елей.

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 7. Настоящий волшебник. 8. Эстрадное представление. 10. Заливной «связист» (кулинари). 13. Светило в люстре. 14. Стартовая энергия. 15. Язык программирования. 16. Он усыпил свирепого Цербера своим пением. 20. Старинная рука. 21. Стиль плавания. 25. Колочий кустарник со съедобными черными ягодами. 27. Клавишный инструмент. 28. Винтик из Цветочного города в сказочной повести Н. Носова по роду занятий.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Покупка Мухи-Цокотухи. 3. Овощ, способный стимулировать рост. 4. Синоним дуб-

лика. 6. Вспомогательный материал для швейных изделий, обуви. 9. Красильщик зданий. 11. Часть квартиры. 12. Португальский остров. 17. Синтетическое волокно. 18. Кандаль в старину. 19. Наука без науки, начало и середина которой состоит в труде, а конец — в нищете. 22. Лучший друг Аладдина. 23. Профессия.

ПО ДУГАМ: 2. Одна из сторон света. 5. Небольшое драматическое произведение. 24. Восторженное словословие. 26. Условный знак.

ПО КРУГУ: 29. Наука о лекарственных средствах.

Составила З. ИСАКОВА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН. Неделя полна разнообразных возможностей для романтических приключений и активного отдыха. Удачное время для обработки информации и творческих командировок. Чем меньше думать о собственной выгоде, тем более удачными окажутся результаты. Помогите близким друзьям. Трудно связаться с нужным человеком, что может повлечь проблемы.

ТЕЛЕЦ. Неделя подарит успех в делах, хорошие возможности и отличное самочувствие. Порадуют интересные новости. Будет нелишним продемонстрировать уверенность в собственных способностях, завоевать авторитет лидера. Постарайтесь не отвлекаться на мелкие задачи. Наступает благоприятное время для отдыха, используйте его на эти цели.

БЛИЗНЕЦЫ. Улучшится настроение, появятся планы. Возможно повышение в должности. Проявите активность и целеустремленность, с легкостью добьетесь любой цели. Неожиданную удачу может принести умение взаимодействовать с деловыми партнерами. Появится реальный шанс завести полезные связи. Возможно внезапная командировка,

может — зарубежная.

РАК. Неделя создаст условия для проявления сосредоточенности и подвижности, можете перейти на новый уровень развития. Не сидите на месте, больше двигайтесь и общайтесь. Избегайте ссор и раздражения. Не требуйте многого от близких людей, все равно они поступят по-своему. Начнется новый цикл, весьма благоприятный.

ЛЕВ. Можете получить желаемое, дипломатично отойдите в тень, отсюда управляйте событиями. Усиливаются логика и память. Появится возможность проверить партнеров на надежность. К концу недели желательнее отправиться в отпуск или вынужденно заняться личными делами. Проблемы с друзьями и покровителями начинают решаться.

ДЕВА. Появится возможность значительно приподняться по карьерной лестнице. Хорошее время, чтобы приобрести союзников. Место работы можно изменить на более перспективное. Неожиданные события на работе приведут к блестящей победе над всеми завистниками и недоброжелателями. Не стоит затевать авантюрных проектов.

ВЕСЫ. Появится шанс упрочить

положение, оцените его с точки зрения долговременных перспектив, начинайте претворять замыслы в жизнь. Ожидается профессиональный рост. Может охватить волна благодушия и одновременно своеволия. Ждут важные новости, постарайтесь не расслабляться и не рисковать. Можете выпасть из ритма, вероятны трудности в поездках, в общении.

СКОРПИОН. Не цепляйтесь за прошлое, каким бы блестящим оно ни казалось. Появится возможность преуспеть сразу в двух направлениях: хорошо отдохнуть и существенно продвинуться в делах. Может поступить информация по поводу новой работы, но необходимо все продумать. Не стоит расстраиваться по пустякам. Лучше не перемещаться на большие расстояния.

СТРЕЛЕЦ. Будьте предельно внимательны к изменениям на работе. Разумная бдительность никому не вредит. Будет крайне сложно урегулировать отношения с партнером. Все служебные вопросы решите до пятницы. Пристраивайтесь к поведению партнеров. В выходные постарайтесь отдохнуть так, как этого хотелось, никого не слушайте.

КОЗЕРОГ. Представится шанс превратить противников в союзников. Действуйте осторожно и дипломатично. Ожидайте важных событий и новостей. Возможны поездки. Вероятен приезд деловых партнеров издалека, что повлияет на развитие профессиональной сферы. Не верьте слухам и сплетням. Может появиться страх за свою репутацию.

ВОДОЛЕЙ. Вы способны на качественный рывок на работе, а также справитесь с наведением порядка дома. Займитесь своим здоровьем, отдохните на курорте. Можете заниматься всем, чем угодно — все будет удачно. Самое время обратиться за помощью к покровителю. Будет отлично удаваться подготовка отчетов. Придется много работать, общаться с людьми. Постарайтесь снизить рабочую нагрузку.

РЫБЫ. Все мысли об отдыхе. Даже если отпуск уж имел место, постарайтесь не перегружать себя работой. На работе все будет спокойно. Можно легко снять напряженность в отношениях с партнерами, деликатно обговорив и свои, и чужие договорные обязательства. Увеличится количество спонтанных знакомств.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмухаммад
АБДУКАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.
АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.
Тахририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.
«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Адади 17840.

Буюртма № 0241.